Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 10 июль, чоршанба • №54 (11.442) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОҚТОВ САФАРИ

**Президент Ислом Каримов 6-7 июль кунлари Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди.**

Қўшни мамлакатларнинг интеграциялашувида бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга. Гарчи Оқтов учрашуви норасмий тарзда ўтган бўлса-да, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутади.

Учрашувлар Қозоғистон президентининг шаҳардаги қароргоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Президентлар суҳбатида икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашувида асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтариш, шунинг асносида коммуникация, энергетика, транспорт соҳаларида ҳамкорлик, сув ва ҳаво йўлларидан янада унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес каби иллатларга қарши биргаликда курашиш масалаларига қаратилди. Томонлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирар экан, масалалар ечими давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосига таяниши, айниқса, иқтисодий муаммолар ечимини баҳамжиҳат ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Президентлар Оқтовдаги ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик миллий маданияти марказлари фаолияти билан танишди. Мазкур шаҳарда юзга яқин миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади.

Оқтов – Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар. Сўнгги йилларда ундаги денгиз порти янада кенгайтирилди ва замонавий асосда таъмирланди. Саммит қатнашчилари порт фаолияти билан ҳам танишди.

***Ф.МАҲМУДОВ* (ЎзА).**

## Оналик ва болалик муҳофазаси – давлат эътиборида

**Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2002 йилнинг олти ойи давомидаги фаолият натижалари тўғрисидаги, шунингдек, "Соғлом авлод" ва "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурларининг жорий йилнинг олти ойи мобайнидаги бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т. Норбоева маъруза қилди.

Ўтган вақт давомида оилада тиббий маданиятни янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Олиб борилган ишлар натижасида мамлакатда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайди, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 71 минг 775 нафар аёл иш билан таъминланди. Она ва бола скрининги марказлари томонидан олиб борилаётган тиббий ишлар ўз самарасини бермоқда. "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" ва бошқа жамғармалар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди.

***Т. БОТИРБЕКОВ,* *ЎзА мухбири.***



# ЗАЛВОРЛИ ХИРМОН

## вилоятимиз ғаллакорлари давлатга дон топшириш режасини қисқа муддатда — 20 иш кунида муваффақиятли бажардилар

**Дарҳақиқат, бу йилги ғалла мавсуми одатдаги ташвишу қийинчиликлар билан бир қаторда вилоятимиз деҳқонларининг кўксини тоғ, кўнглини чоғ этгувчи ютуқларга ҳам бой бўлди. Давлатга 267 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилиб, шартнома режаси ортиғи билан адо этилди. Ҳосилдорлик 1999 йилдагига нисбатан 15 центнерга ошиб, вилоят бўйича ўртача 44 центнерданга тўғри келмоқда. Мавсум якунида уюлажак ялпи хирмон салмоғи эса, 500 минг тоннадан ошиши кутилмоқда. Демак, бу йил 1999 йилдагига нисбатан 200 минг тонна кўп дон етиштириш имконияти бор. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, ғаллакорларнинг ўзларига ҳам камида 200 минг тонна дон қолиши кутилмоқда.**

**Энг муҳими, бу йил ҳосилдорликни кескин оширишга эришилганлиги туфайли, ҳар қачонгидан ҳам баракали даромадга эга бўлиш имконияти яратилди. Ғаллачиликдан 32 миллиард 952 миллион сўм умумий даромад олиниши режалаштирмоқда. Тармоқдаги рентабеллик эса, 28,5 фоизни ташкил этади.**

Албатта, вилоятимиз деҳқонлари қўлга киритган ана шу улкан меҳнат ғалабасида ғаллачилик соҳасида катта тажриба орттирган, айтиш мумкинки, бу борада ўзига хос мактаб яратган бир қатор туман ва ўнлаб хўжаликларнинг салмоқли ҳиссалари бор. Масалан, Паркент, Пскент, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманларида ҳосилдорлик 47-53 центнерга етди. Шунингдек, Қуйичирчиқ ва Чиноз туманлари ҳам ҳосилдорликни вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан оширишга эришди. Пскент туманидаги Охунбобоев номли, Дўстбеков номли, Паркент туманидаги «Гулбоғ», «Бойқозон» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари гектаридан 63-71 центнердан хирмон кўтардилар. Оҳангарон туманидаги «Ангрен» хўжалигидан М.Пак, Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли хўжаликдан К.Одинаева, Қибрай туманидаги «Маданият» хўжалигидан Ф.Раҳматиллаев сингари тажрибали оила пудратчилари бу йилги мавсумда ҳосилдорликни 72-100 центнерга етказиб, ғаллачиликни бундан-да ривожлантириш имкониятлари чекланмаган эканлигини амалда кўрсатдилар.

Хўш, қисқа давр, яъни кейинги уч-тўрт йил давомида ғаллачиликни бундай кескин ривожлантиришга қандай қилиб эришилди?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, вилоятимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни такомиллаштириш ва янада чуқурлаштириш жараёнида ғаллачиликка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Вилоятимиз деҳқонлари ғаллачиликнинг республикамиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий манбаига айланиб бораётгани, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилига, деҳқоннинг асосий даромад манбаига айланаётганини чуқур англаб етдилар. Эндиликда нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки, етиштирилажак доннинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам эътибор кучайди. Бунга эришиш учун аввало, ғаллани парваришлаш агротехникасига оғишмай амал қилиш қатъий одатга айланди.

Маълумки, мўл ҳосилга замин яратиш нав танлаш, уруғликни саралаш ва тайёрлашдан бошланади. Вилоят ғаллакорлари бу борада ҳам катта тажриба орттирдилар. Сир эмаски, илгари уруғлик четдан келтириларди. Энди эса, ғаллакорларимиз уруғликнинг асосий қисмини ўзлари тайёрлай бошладилар. Агар 1999 йили бор-йўғи 3000 тонна уруғлик вилоятнинг ўзида тайёрланган бўлса, бу йил эҳтиёждаги 29 минг тонна уруғликнинг 20 минг тоннасини ғаллакорларимизнинг ўзлари тайёрлаб экишди.

Бироқ, уруғлик тайёрлаш жуда нозик иш. Шунинг учун уруғликни маромига етказиб, сифатли саралаш мақсадида жойларда минизавод ва махсус цехлар қурилди. Бундан ташқари ҳар бир туманда эҳтиёжга

**(Давоми 2-бетда).**



***СУРАТДА:*** *Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли хўжаликнинг ғаллачилик бўйича ҳосилоти Умрзоқ Нуралиев (ўртада) пудратчи Ўктам Суттибоев (чапда) комбайнчи Абдурасул Тўйчиев ғаллани қай даражада сифатли ўрганлигини текшириб кўрмоқда.*

**Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

## КАФТИДАГИ ДУРИДИР

*Ғалланг бўлса қўшиғин аввал онанг айтаркан,*
*Иссиқ нонниңг исидан сархуш боланг айтаркан.*
*Қувонч қучса кўзингни оққан жоланг айтаркан,*
*Деҳқон учун бу дамлар умрининг хуш палласи,*
*Кафтидаги дуридир – Ўзбекистон ғалласи.*

*Худо берса хирмонга донинг сиғмай қоларкан,*
*Дастурхонга қут тўкса, нонинг сиғмай қоларкан.*
*Ҳақ қўлласа дунёга шонинг сиғмай қоларкан,*
*Буғдойдайин бошоқлар дилда деҳқон ялласи,*
*Қўшиқларга кўр берар, Ўзбекистон ғалласи.*

*Черта билсанг кўнгилнинг торига нима етсин,*
*Аҳдига вафолининг орига нима етсин,*
*Майли оқ нон, қора нон, борига нима етсин,*
*Қурир ҳатто қушнинг ҳам саратонда силласи,*
*Деҳқонига дармондир, Ўзбекистон ғалласи.*

*Ун элайди оналар оқ тилакдек улғайиб,*
*Келинчаклар нон узар, нон исига юз чайиб,*
*Бошдаги боқий бахтдек қуёш турар жилмайиб,*
*Ҳар бошоқ ҳур элимнинг ерда кулган тилласи,*
*Тиллодан хуш товланар Ўзбекистон ғалласи.*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

# ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

## Тошкент вилоятида анъанавий «Кадрлар куни» халқ таълими тизимидаги ҳолатлар муҳокамасига бағишланди

**Мамлакат таълим тизимида ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши раҳбар, тарбиячи ва педагог кадрлар, уларнинг касб тайёргарлигига талабни кучайтирмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари таълимни замонавий даражага кўтариб, самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини жорий этишни назарда тутади. Табиийки, бу ҳам халқ таълими ходимларининг умумий ва махсус тайёргарлигини муттасил кўтариб боришни тақозо этади.**

Бунинг ягона йўли — ходимлар қўнимсизлигига барҳам бериш, уларни қайта тайёрлаш, таълимнинг замонавий усулларини эгаллаб боришларига кўмаклашиш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштиришдан иборат. Вилоятимизда мана шу жараёнлар узра «қизил ип» бўлиб ўтувчи механизм шаклланган. Бу — кадрлар захираси билан муқим ишлашда ифодаланмоқда.

Хўш, у қандай самара бермоқда? Вилоят халқ таълими муассасаларида ходимларнинг малакасини ошириш, раҳбарлик ўринларига заҳира тайёрлашнинг аҳволи қандай? Бу соҳадаги муаммолар нималардан иборат?

Вилоятда навбатдаги «Кадрлар куни» иштирокчилари халқ таълими муассасаларидаги ҳолатларни таҳлил қилиб, юқоридаги каби саволларга жавоб излашди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Юнусхон Шарипов Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимларидаги кадрлар ҳолатини таҳлил қилиб берди.

Аввал бошдан айтиб қўяқолайлик: педагог кадрлар, айниқса, раҳбар ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган муайян ишларга қарамасдан, бу соҳада қўнимсизлик ҳануз кучли, ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам қусурлар мавжуд. Чунончи, вилоят халқ таълими бошқармасининг ўзида ходимлар бот-бот алмашинуви юз беради. Жумладан, текшириш кунига 7 та бўш ўрин бўлган. Умуман, бир ярим йилда 25 нафар ходим алмашган. Табиийки, бу ҳол халқ таълими муассасаларини бошқариш, улар фаолиятини яхшилаб бориш, таълим сифатини кўтаришга асло ижобий таъсир кўрсата олмайди.

Вилоят мактабларидаги аҳвол ҳам маълум камчиликлардан ҳоли эмас. Аввало йиғилиш қатнашчиларининг эътибори ўқитувчиларнинг маълумот даражасига қаратилди. Ҳозирда мактабларда 4 мингдан зиёд фан ўқитувчиси ўрта махсус маълумотга эга. Бу кўрсаткич бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида 53,6 фоизни ташкил этади. Айни пайтда мактабларда 1600 дан ортиқ ўқитувчи ўрни бўш. Тўғри, уларни тўлдириш учун Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти билан шартномалар тузилган.

Йиғилишда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни ҳам кўриб чиқилди. Машғулотларни малакали кадрлар — академик ва профессорлар, доцентлар олиб бораётгани яхши самара бераётганлиги қайд қилинди. Ўтган бир йил мобайнида 5485 педагогик ходим малака ошириш курсларида ўқиган, 193 раҳбар ходим қайта тайёрловдан ўтказилган.

Педагоглар малакасини оширишда хорижий давлатлар таълим тизими билан ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Кейинги пайтда 70 дан ортиқ ўқитувчи АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Япония, Исроил, Голландия, Германия, Дания, Швецияда тажриба алмашиб келди. Улар хориж ўқитиш усулларини вилоят мактабларига ёйиш борасида ташаббус кўрсатиб ишлашяпти.

Йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ходимларнинг сифат таркиби чуқур таҳлил қилинди.

Ҳозирги пайтда раҳбар лавозимлари учун 243 номзод заҳирада. Лекин, йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармасида раҳбар лавозимлари учун истиқболли заҳира яратилмаганлиги, ёш кадрлар таркибан тўлиқ шакллантирилмаганлиги, номзодлар амалиётидаги режасизлик жиддий эътироз туғдирди. Баъзи жойларда амалдаги заҳирага катта ёшдаги ходимлар ҳам киритилганлиги таажжубланарли, албатта.

Бу соҳадаги асосий нуқсонлар— номзодлар чуқур ўрганилмаслиги, натижада бошқарув лавозимига танлашда уларнинг лаёқатлилигини белгиловчи жиҳатлар эътибордан четда қолиши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Натижада бир қатор шаҳар ва туманларда халқ таълими бўлимлари мудирларини йилига алмаштириш одат тусига кириб қолди.

Тўғри, кейинги пайтда раҳбар ва заҳирадаги кадрларни ўқитишга эътибор кучайди. Умуман, бу ўқув-семинарларда 537 тингловчи қатнашди. Миллий истиқлол ғояси ва раҳбарнинг жамиятдаги ўрни, раҳбарлик этикаси ва психологияси, ҳуқуқий масалаларни ўрганиш диққат марказида бўлди.

Маърузачи Олмалиқ шаҳри, Тошкент ва Пскент туманлари халқ таълими бўлимларида кадрлар билан ишлаш — уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларининг аҳволини ҳам таҳлил қилиб берди. Қўнимсизлик, истиқболли ходимлар билан ишлашдаги камчиликлар таълим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги алоҳида таъкидланди. Олмалиқ шаҳар ва Тошкент тумани халқ таълими бўлимларининг мудирлари Людмила Ортиқова ва Эркин Йўлдошевлар ўз сўзларида кадрлар билан ишлашнинг амалдаги тажрибаси ва муаммоларига тўхталишди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳам бу соҳадаги ишларни кескин яхшилашга қаратилган фойдали тавсиялар беришди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов халқ таълими кадрлари билан ишлаш, мактаб ва маориф ишининг долзарб вазифалари ҳақида гапирди.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




**57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.**

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси демократик давлат сифатида ўзининг қонун яратувчилик фаолиятида халқаро ҳуқуқ меёрлари ва халқаро келишувларга таянади, жумладан, Конституциянинг шарҳланаётган моддаси «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг асосий қоидаларидан келиб чиқади; чунки унда белгиланишича:

биринчидан, урушни ҳар қандай тарзда тарғиб қилиш қонун билан тақиқланиши керак;

иккинчидан, камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ва ирқий нафрат руҳидаги ҳар қандай ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим (20-модда).

Конституциянинг 57-моддасининг мазмунини бойитиб, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда бизнинг жамиятимизга зид бўлган жамоат бирлашмаларининг рўйхати аниқ кўрсатилган.

Бу ташкилотларнинг фаолияти:

биринчидан, умумбашарий гуманистик қадриятларни бузишга;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бирлигини бузишга;

учинчидан, Ўзбекистон халқлари маънавиятини емиришга;

тўртинчидан, жамиятни парчалашга;

бешинчидан, қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган жамият органларига куч билан тазйиқ ўтказишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ қила бориб, фаолияти:

биринчидан, ёшлар тарбиясида ахлоқий негизларнинг бузилишини;

иккинчидан, зўравонлик ва шафқатсизликни;

учинчидан, оилада, меҳнат ва ўқув жамоаларида, яшаш жойида шахс қадрини камситишни келтириб чиқарадиган жамоат бирлашмаларини ташкил этишни тақиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш тамойилларини ҳаётга жорий эта бориб, қонунчилик даражасида қуйидаги:

а) конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

б) миллатчилик характерига эга бўлган;

в) миллий ва диний мансубликка асосланиб шакллантирилаётган;

г) ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи партияларни тузишни ман қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида махфий жамиятлар ва уюшмалар ҳамда ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузишни тақиқлаш учун республикамизда барча тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунки, бундай бирлашмалар давлат ва жамиятга қарши мақсадларни кўзлаб фаолият юргизиши мумкин. Уларнинг хатти-ҳаракатларига қарши қонуний чоралар қўлланилмоқда. Мамлакатимиздаги амалдаги қонунчиликка кўра бундай жамият ва уюшмаларни тузганликда айбдор бўлган шахсларга нисбатан уларни жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача бўлган жазо чораларини қўллаш кўзда тутилган. Бу БМТнинг 1948 йил 10 декабрдаги инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига мос келади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

Ёшлар келажагимиз

**Ватанни севмоқ иймондандир, деб ёзилган муқаддас китобларда. Дарҳақиқат, Ватанни қадрламоқ, уни ҳимоя қилмоқ, шу юрт фарзандиман, дейиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки у битта бўлади. Тақдиримизга такрор ва такрор шукроналар айтишимиз керак, бизнинг уйимиз, саждагоҳимиз азиз Ўзбекистондир!**

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Яқинда «Ватанпарвар» МК Тошкент вилоят кенгаши, Мудофаа ишлари бошқармаси, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, касб-ҳунар таълими бошқармаси, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ҳамда маданият ишлари бошқармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Шуни таъкидлаш жоиз, бу ташаббус «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбарияти саъй-ҳаракати билан амалга ошди. Бундан кўзланган мақсад, вилоятимиз аҳолисини, айниқса, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва мустақил давлатимизга садоқат руҳида тарбиялаш кўлами ишларини ҳозирги давр талаби асосида ташкил этиш, зарур режа ва тадбирлар белгилаб, уларнинг амалда бажарилишини таъминлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ёш авлодни соғлом ва бақувват вояга етказишга жиддий эътибор берилляпти. Бу борада давлат дастурлари қабул қилинди. Мазкур шартномада ҳам ушбу вазифа ўз ифодасини топган. Жумладан, спортнинг техник ва амалий турларининг моҳияти ва аҳамиятини мунтазам тушунтириб бориш алоҳида банддан жой олган. Ҳужжатда шунингдек, жойларда бошланғич «Ватанпарвар» ташкилотларини очиб, спорт тўгараклари ва ўқув курслари ташкил этиш белгиланди. Тасдиқланган тадбир асосида спортнинг бир қанча турлари бўйича туман, шаҳар, вилоят миқёсида мусобақалар ўтказилади.

Ҳаммамизга яхши аён, йигит-қизлар қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини сингдиришда кўпни кўрган кекса авлоднинг ҳикоялари, ўгитлари катта аҳамиятга эга. Режа асосида «Ватанпарвар» бошланғич ташкилотларида тегишли идоралар билан ҳамкорликда фахрийлар, олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар уюштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шуни инобатга олиб ўқув муассасалари ўқувчи, талаба, курсантлар, хизматчилар ҳузурида белгиланган муддатда маърузачиларнинг чиқишини таъминлаш ҳам юқоридаги вилоят ташкилотлари томонидан келишиб олинди.

Амалга оширилажак ибратли ишлардан яна бири «Ватанпарвар» ташкилоти низомига кўра ишлаб топилган маблағлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларни ҳарбий хизматга тайёрлашга ҳамда спортнинг техник турларини ривожлантиришга сарфланади.

Ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, улар ҳаётда адашмасликлари учун қўлдан келган ёрдамни бериш катталарнинг бурчи. Шуни назарда тутиб ҳар бир туман, шаҳардан тарбияси оғир ёшларнинг бир-икки нафарини оталиққа олиш вазифаси ҳам шартномада алоҳида бандда қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, ташаббус қўллаб қувватланди. У расмий ҳужжат мақомини олди. Энди ҳамма гап ундаги бандларнинг бекаму кўст бажарилишида. Эътиқодли, Ўзбекистонга содиқ ёшларни тарбиялашни мақсад қилган эканмиз ҳар биримиз астойдил иш олиб боришимиз лозим.

***Р. МУҲАМЕДОВ.***

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

## Пскентда унинг соҳиблари тадбиркорлар бўлишмоқда



Қибрай туманидаги «Боситҳожиота» масъулияти чекланган жамият аҳолига турли хил хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Унинг таркибида кийим-кечакларни кимёвий тозалаш, кир ювиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўлимлари, чойхона-ошхона мажмуи фаолият кўрсатмоқда.

*СУРАТДА: жамиятнинг енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш цехи устаси Абдумалик Ғаниев ўз шогирди Сергей Осипов билан иш устида.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

**«Пахтабанк»нинг Пскент бўлими туманда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ундан кредит олиб, ишлаб чиқариш ва хизматни йўлга қўяётган ишбилармонлар сони кўпаймоқда. Айни кунларда унинг мижозлари 347тага етди. Уларнинг 212таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.**

Бўлимда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес тузилмаларига биргина 2001 йилда 46 миллион 300 минг сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Чунончи, туманда ташкил этилган Мирзаали Холжигитов фермер хўжалиги энг кам фоизли кредит билан таъминланди. Бир йил муддатга берилган бир ярим миллион сўм банк маблағини фермер ўз хўжалигида бошланғич сармоя сифатида ишлатди ва уни вақтида фоизлари билан қайтариб берди. Яна учта кичик ва ўрта бизнес субъектларига ана шундай имтиёзли қарз бериш режалаштирилмоқда.

— Хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ишлари юришиб кетишига ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз, — дейди банк кредитлаш бўлими мутахассиси Шерзод Ҳайдаров. — Жорий йилда бундай иш ҳажми янада кўпаяди. Ўтган ойлар мобайнида 13 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси ҳамда фермерларга умумий миқдори 21,3 миллион сўм бўлган микрокредит ажратдик. Бу маблағлардан турли мақсадларда фойдаланишмоқда. Тадбиркорлар кредит ҳисобига чорва моллари, техника, уруғлик, эҳтиёт қисмлар сотиб олишмоқда ва шу орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ривожлантиришаяпти. Энг асосийси кичик ва ўрта бизнесга ажратилаётган имтиёзли кредитлар тадбиркорларнинг «Бизнес-режа»ларига мувофиқ самарали ишлатилмоқда ва фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда. Бундай маблағлар туман иқтисодиётининг ўсишига ва янги-янги иш ўринларининг яратилишига олиб келди.

***Акбар АЛЛАМУРОДОВ.***

***Ғўзапоядан тайёрланган ва иссиқлик хусусиятлари билан юқори сифатли кўмирдан қолишмайдиган ёқилғи брикетларини ўзбекистонлик мутахассислар тайёрлашди.***

# Ғўзапоядан ёқилғи

Янги ёқилғининг имкониятларини нафақат очиқ ҳавода турли таомларни пиширишда, балки биноларни иситишда ҳам синаб кўришди. Ғўзапоя брикетлари имкониятлари кутилганидан аъло бўлиб чиқди. Таҳлил шуни кўрсатдики, уларнинг иссиқлик бериши кўмирга тенг – ҳар килограмминики 7000 килокалориягача борада.

Олимлар брикетлар ишлаб чиқариш сирларини очишмаяпти. Бу уларнинг ноу-хауси. Бундай технология ҳозирча дунёнинг ҳеч қаерида йўқ. Бироқ улар ўзларининг ишланмалари мамлакат фойдасига хизмат қилишини жуда исташади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ғўзапоядан брикетлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш харажатлари 20 миллион сўмни ташкил этади. Лекин мини-цех фаолиятининг биринчи йилидаёқ даромад харажатни қоплайди.

***ЎзА.***

# ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР КЎПАЯДИ

Ангрендаги «Тоғ-кон ускуналарини таъмирлаш» заводи цехларида ўнлаб турли кончилик асбоб-ускунлари қайта таъмирланмоқда, уларга эҳтиёт қисмлар тайёрланяпти. Беш ойлик топшириқ 101 фоиз атрофида бажарилди, ўсиш суръатида янада юксак натижага эришилмоқда. У ўтган йилнинг шу давридагига қараганда деярли бир ярим баробар ортиқ бўлмоқда. Айни вақтда кончилик саноати талабларини ҳисобга олиб, корхонада ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***

Маҳалла

# ЭШОНГУЗАРЛИКЛАР...

**Зангиота тумани Эшонгузар шаҳарчаси фуқаролар йиғинига қарашли «Дўстлик» маҳалласида бугунги кунда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Маҳаллада 800 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Турли миллатга мансуб бу кишиларнинг аксарияти кўп қаватли уйларда яшашади.**

— Ҳар бир йиғилиш ва тадбирларда аҳолининг барча қатламлари фаол қатнашиши натижасида тарбиявий ишда муайян ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди маҳалла қўмитасининг раиси Рисолат Зияева. — Бунда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Эрназар Эгамбердиев, Талъатхўжа Хожизодаев, Алишер Сайфуллаев, Акбархўжа Абдуллаев ва бошқаларнинг хизматлари катта. Улар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла посбонлари билан биргаликда давра суҳбатлари ўтказиб, гиёҳвандликка қарши кураш, ичкиликбозлик, турли оқимларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг иллатлари ҳақида тарбиявий ишлар олиб бормоқдалар. Натижада Рустам Ҳусаинов, Фахриддин Тешабоев, Анвар Худойберганов, Сергей Кукнарёв, Мақсуд Умаров каби ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топиб олишди. Уларнинг кўплари олий ўқув юртларига кириб ўқишяпти.

Шу кунгача маҳаллада кўплаб хайрли-амалий ишлар қилинди. Жумладан, серёғин пайтларда анҳорда сув кўпайиб, Навбаҳор кўчасидаги 2-3 хонадонга зиён етказарди. Ҳатто Муяссар Набихўжаева билан Абдурасул Усмоновлар хонадонини сув босди. Маҳалладошлар дарҳол уларга ёрдамга келишди. Тошқин такрорланишининг олдини олиш мақсадида ариқлар қайтадан кавланиб, бетон «либос» кийдирилди. Кўча асфальтланиб, айрим иншоотлар қайта таъмирланди. Бунда туман ҳокимлиги ва «Наврўз» ширкат хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Тошқиндан зарар кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, улар маънавий қўллаб-қувватланди. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент ҳалқа йўлини кесиб ўтиш жойига светофор ўрнатилди.

Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган «Соғлом ҳаёт тарзи асослари», «Жароҳатланганда ва бахтсиз ҳодиса рўй бергандаги биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари» каби тадбирлар аҳоли ўртасида катта таассурот қолдирди.

Маҳаллада ўтказилаётган тадбир ва хайрли ишларда «Кэк и К» ва «Фарҳод Оби-Ҳаёт ЛТД» корхоналари раҳбарлари ва бошқа турли ташкилотлар салмоқли ёрдам кўрсатаяпти.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.***

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биорганик кимё институти полифеноллар лабораториясида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда маҳаллий хомашёдан янги шифо воситалари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР ХОМАШЁСИ ЎЗИМИЗДАН

– Бу борадаги изланишлар натижасида кейинги йилларда ўндан зиёд янги дори яратилди, – деди мазкур лаборатория мудири Д. Долимов ЎзА мухбирига. – Қон тўхтатувчи логоден, ультратовуш диагностикасида ишлатиладиган полижел ва кардиожел сингари янги препаратлар шулар жумласидандир.

Пахта чигитидан олинадиган гассипол моддасидан яратилаётган дори воситалари, айниқса, яхши самара беради. Гриппга қарши бир ва уч фоизли суртма, герпес вирусли хасталигини даволашда фойдаланиладиган "Мегасин", саратон ва юрак касалликларига қарши ишлатиладиган "Рутан" ҳамда "Провидин" сингари дори-дармонлар ҳам маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган.

***Баҳор ХИДИРОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Сўраган эдингиз

**Ҳурматли таҳририят!**

**Бекобод тумани табиати жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, унинг ҳудудида қатор ўрмон ва овчилик хўжаликлари мавжудлигидан хабаримиз бор. Шу хўжаликлар ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот беришингизни илтимос қилардик.**

***Ҳурмат билан Иброҳим Аъзамов, Мутал Муҳамедов ва бошқалар, Олмалиқ шаҳри.***

# БЕКОБОДДА ШУНДАЙ ХЎЖАЛИКЛАР БОР

**Мухбиримиз Бекобод табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси давлат нозири А.Эшонкулов билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

– Туман табиати ҳамма вақт жозибали ва мафтункордир, – дейди суҳбатдошимиз. – Унинг ичкарисига кириб борган сари ўзини кўз-кўз қилаверади. Поёнсиз ўрмонлари, дарёси ва унинг ирмоқлари, кўллари, инсон қўли билан яратилган чексиз ихотазорлари ақлингни шоширади, кўрган сари кўргинг келаверади, баҳри-дилинг очилаверади. Бу ҳудудда ўрмон ва овчилик хўжаликларининг барпо этилиши ҳам шундандир. Улар, аввало, табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Давлат бунинг учун зарур ҳажмдаги маблағни йилма-йил ажратиб келаяпти. Ўрмон хўжаликлари янги дарахтзорлар барпо этишяпти. Овчилик хўжаликларида эса, мавжуд жониворлар ва паррандаларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ҳамда шу йўл билан уларни келгуси авлодларга етказиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти.

Биргина Бекобод ўрмон хўжалигида ўтган йили амалга оширилган хайрли ишлар ҳажмини мисол тариқасида келтириш мумкин. Унинг ҳудуди бир йилда яна йигирма беш гектарга кенгайтирилди, яъни шунча майдонга турли хил манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари экилди. Юзларча минг туп дарахт ва гул кўчатлари республикамизнинг турли бурчакларидаги буюртмачиларга етказиб берилди. Бу билан уларни кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшилди.

Минтақамизда қатор овчилик хўжаликлари ҳам ўз фаолиятларини давом эттирмоқда, Ўрмон хўжалигининг Стретенко қишлоғи ёнида жойлашган «Бўри ороли» овчилик хўжалиги, Далварзин ва Ҳайбатқўл овчилик хўжаликлари шулар жумласидандир. Фақат Бекобод туманидагина шунчалик кўп овчилик хўжаликлари мавжуд, бошқа жойда буни учратмайсиз. Улардаги турли-туман ёввойи ҳайвонлар ва паррандалар назорат остига олинган. Уларни ўғри овчилардан муҳофаза қилиш, табиий шароитларда бехавотир яшаши ва кўпайишига эришишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда. Йилнинг маълум даврларида бу жониворларни овлаш бутунлай ман этилади. Айрим ҳоллардагина рухсат берилиши ҳам мумкин. Лекин, бунинг учун мутасадди идоралардан лицензия (рухсатнома) олиш талаб этилади. Албатта, бунинг учун муайян миқдорда ҳақ тўланиши талаб этилади.

Далварзин овчилик хўжалиги уларнинг энг каттаси ҳисобланади. Унинг умумий майдони атрофидаги зовурлар ва кўлларни қўшиб ҳисоблаганда, 10 минг гектардан ҳам ошиб кетади. Унинг ҳудудида бўрсиқ, тўнғиз, тустовуқлар, ўрдак, кабутар ва бошқа шу каби ноёб жониворлар ва паррандалар бор. Уларнинг яшаши ва кўпайиши учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бунинг учун хўжалик ходимлари ем-хашак, донлар захираларини яратадилар ва уларни, айниқса, емиш камаядиган қишли-қировли пайтларда жониворларга берадилар. Айни вақтда мутахассислар уларнинг табиий шароитларда яшаш тарзини ўрганиш билан ҳам шуғулланадилар.

Стретенко овчилик хўжалигининг «Бўри ороли» нисбатан мўъжаз ҳисобланади. Унинг майдони 83 гектарни ташкил этади. Лекин, бу ерда ҳайвонлар ва паррандалар тури кўп бўлиш билан бирга жуда зич жойлашган. Айниқса, сувда яшовчи жониворлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳам муҳофазаси таъминланмоқда. Хайбатқўл овчилик хўжалиги кўллардан иборат бўлиб, унда турли хил сув ҳайвонлари, ҳатто нутрия, ондатра каби мўйна берадиган жониворлар ҳам ҳаёт кечиришади.

Ўрмон ва овчилик хўжаликлари ёввойи ҳайвонлар, паррандалар ва табиат берган бошқа эҳсонларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришдек муҳим ишда фаол қатнашаётганлари таҳсинга сазовордир. Биз ушбу суҳбатда тумандаги ўрмон ва овчилик хўжаликлари ҳақида қисқача маълумот бердик, холос. Минг эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши деганларидек, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, ҳақиқатдан ҳам бу дурдона хўжаликларга ташриф буюрилса, уларнинг жозибаси, мафтункорлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

